# O'ZBEKISTON OVOZI

XДP — O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 6-iyul • Seshanba • 78 (31.198) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz


**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**ФАРМОНИ**

## Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Халқимизга хос юксак гуманизм, бағрикенглик ва меҳр-мурувват фазилатларини амалда яна бир бор намоён этиб, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга ҳар томонлама беғараз ёрдам кўрсатишда ўзини аямасдан хизмат қилган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидагилар мукофотлансин:

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ордени билан**

**Зайдинова Гулсорахон Шералиевна** — Андижон шаҳридаги 4-сон маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Тожиматова Ходяхон Турсиновна** — Жалолқудуқ туманидаги «Бештол» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ордени билан**

**Абдуллаева Феруза Ғанижановна** — Қўрғонтепа тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Абдураҳмонова Роила** — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Андижон вилояти, Пахтаобод тумани бўлинмаси раиси

**Нуралиев Баҳромжон Гуломжонович** — Жалолқудуқ тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси

**Тўйчиева Матлубахон Камолдиновна** — Бўз тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Эргашев Авазхон Якубжонович** — Қўрғонтепа тумани ҳокими

**Юсупов Машариф** — Андижон вилоят ҳокимлигининг ахборот-таҳлил гуруҳи бош мутахассиси

**«ДЎСТЛИК» ордени билан**

**Вахобжонова Ойдин Вахобовна** — Республика Маънавият тарғибот марказининг Андижон вилояти бўлими масъул котиби

**Кимсанова Замирахон** — Пахтаобод тумани «Давр садоси» газетаси бош муҳаррири

**Қурбонова Аропатхон Тошпўлатовна** — Марҳамат туманидаги Т.Мирзаев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Раҳматова Фируза Ҳасанбоевна** — Асака шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Сиддиқова Фотима Абдумуталибовна** — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қўрғонтепа тумани кенгаши раиси

**Ҳусанова Мунисхон Акбаралиевна** — Жалолқудуқ тумани ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси

**Шаропов Анвар Қурбонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эргашева Муяссар Тиллаковна** — Қўрғонтепа туманидаги «Қўштепа» қишлоқ врачлик пункти мудири

**Якубова Нигора Камалдиновна** — Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси

*(Давоми 2-бетда.)*



Зиёдилла НОРМУРОДОВ олган сурат.

## Электорат манфаатини ўйлаб...

**Фракция фаолияти**

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси кун тартибидан ўрин олган қатор қонунлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

«Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Баҳриддин Бекжонов маъруза қилди. Депутат биринчи ўқишдан сўнг лойиҳа устида жиддий иш олиб борилганини таъкидлади.

«Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда ҳамда «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Қарорининг иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Улар фракция аъзолари томонидан электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қизғин муҳокама этилди.

→2

Мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларда, партияларaро баҳс ва рақобатда ҳар бир партиянинг ўз электорати манфаатларини ифода этувчи вояларi ҳамда унинг тарғиботи муҳим аҳамиятга эга. →2

Қутлуғ ниятлар қандай амалга ошаётганини тоғ бағридаги Тепақўтон тоғ-кон мажмуи қурилишини ўз кўзи билан кўрган киши тўла тасаввур қилади. →3

Россиянинг Приморье ўлкасида ёш болалар ва ўсмирларнинг кечқурун ва тунги вақтда катталар кузатувисиз кўчада юриши шу ҳафтадан тақиқланди. →3

Барча ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида битирувчиларга тантанали диплом топшириш маросимлари бўлиб ўтди. →4

*Ўзбекистонга илк бор келишим. Ҳайратимни таърифлашга ожизман. Юртингизнинг ҳар бир гўшаси мени ўзига маҳлиё этмоқда. Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги тарихий обидаларни, замонавий иншоотларни кўздан кечирдим. Миллий ва замонавий услубларни уйғунлаштирган маҳобатли бинолар, гўзал майдонлару кенг кўчаларни кўриб, ўзбек халқининг меъморлик санъати ва бунёдкорлик салоҳиятига тасаннолар айтдим. Айниқса, Тошкентнинг кечки қиёфаси кишига ўзгача завқ беради. Ранг-баранг чироқлар, енгил ҳилпираётган байроқлар шаҳарга байрамона руҳ бағишлайди. Халқингизнинг бой маданиятидан баҳраманд бўлаётганимдан хурсандман».*

**Стивен БОСВЕЛЛ (Германия)**

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**

## «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда биз учун энг буюк, энг азиз қадрият, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловига таклиф этади.

Танловга «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда Ватанимизнинг ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани, истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туғдириб бераётгани, ҳар бир юртдошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этишининг, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётгани чуқур очиб берилган бўлиши керак.

Шунингдек, эълон қилинган материаллар мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётганини, бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг ижобий самараларини, ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний камол топаётганини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

**«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

***— ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;***
***— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;***
***— телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;***
***— тасвирий санъат асарлари;***
***— кино санъати асарлари.***

**Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:**

***— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;***
***— муаллифнинг паспорти нусхаси;***
***— иш жойидан тавсиянома;***
***— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.***

Танловга 2009 йилнинг 1 августидан 2010 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, эълон қилинган тасвирий санъат ва экранларда намойиш этилган кино санъати асарлари жорий йилнинг 10 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

***Ижодий ишлар «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:***

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,**
**Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси.**

**Телефонлар: 244-12-61; 244-37-87; 244-11-64.**

## Меҳнат ярмаркасида

### 16055 нафар ёш кадр иш ўрнига эга бўлди

**Ижтимоий ҳимоя**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ҳамда шаҳар прокуратураси ўқув юртлари битирувчилари ва вақтинча банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида Алишер Навоий номли Ўзбекистон миллий боғида меҳнат ярмаркасини ўтказди. Унда шаҳардаги 208 та йирик ташкилот ва корхона 180 дан зиёд касб-ҳунар бўйича 20 мингдан ортиқ бўш иш ўринларини таклиф қилди.

→3

**ОБ-ҲАВО 06-07.07.2010**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 38°C | 40°C |
| Самарқанд | 39°C | 40°C |
| Нукус | 40°C | 41°C |
| Қарши | 41°C | 42°C |
| Урганч | 40°C | 41°C |
| Навоий | 41°C | 42°C |
| Фарғона | 38°C | 39°C |
| Бухоро | 41°C | 42°C |
| Андижон | 38°C | 39°C |
| Наманган | 38°C | 39°C |
| Термиз | 42°C | 43°C |
| Жиззах | 39°C | 40°C |
| Сирдарё | 39°C | 40°C |
| Тошкент вил. | 38°C | 39°C |
| Лондон | 22°C | 24°C |
| Париж | 21°C | 23°C |
| Москва | 27°C | 28°C |
| Мадрид | 28°C | 30°C |
| Пекин | 38°C | 37°C |
| Гонгконг | 37°C | 40°C |
| Рим | 26°C | 27°C |
| Анқара | 30°C | 31°C |
| Токио | 26°C | 28°C |
| Стокгольм | 24°C | 25°C |
| Кейптаун | 14°C | 13°C |
| Қоҳира | 26°C | 23°C |
| Гавана | 31°C | 30°C |
| Вашингтон | 25°C | 26°C |


O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 6 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1348,15 | 1 Миср фунти | 280,84 | 1 СДР | 2383,93 | 10 Жанубий Корея вони | 13,09 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2425,80 | 1 Канада доллари | 1509,27 | 1 Туркия лираси | 1022,73 | 10 Япония иенаси | 181,76 |
| 1 БАА дирҳами | 435,00 | 1 Хитой юани | 235,85 | 1 Швейцария франки | 1501,47 | 1 Россия рубли | 51,22 |
| 1 АҚШ доллари | 1597,71 | 1 Малайзия ринггити | 496,65 | 1 Евро | 1970,09 | 1 Украина гривнаси | 202,02 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**«ЖАСОРАТ» медали билан**

**Ботиров Иқболжон Қобилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жалилова Маъмура Абдурасуловна** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси катта тезкор вакили

**Насирдинов Талят Пўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Пирмуҳамедов Жаҳонгир Рихсибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Расулов Қобулжон Толибович** — Пахтаобод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Талипов Баҳодир Абдурасулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умирзақов Хуршидбек Ҳамидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эралиев Бобиржон Толибжонович** — Андижон вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг авария-қутқарув отряди ҳайдовчи-қутқарувчиси

**Йўлдошев Ҳусанбой Қосимович** — Жалолқудуқ туманидаги «Қашқар» маҳалла фуқаролар йиғини посбонлари сардори

**«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» медали билан**

**Кетмонов Иқболиддин Ҳомиджонович** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ахборот-таҳлил гуруҳи катта терговчиси

**Мамадалиева, Муқаддасхон Тожиддиновна** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси катта инспектори

**Маткаримова Гулбаҳор Собиржоновна** — Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими 4-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми кичик инспектори

**Назаров Аҳмаджон Насирдинович** — Андижон вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув отряди қутқарувчиси

**Ташматов Баҳодир Абдурашитович** — Жалолқудуқ туманидаги «Ёрқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини чегара посбонлари сардори

**Тошматова Иқболхон Абдуллаевна** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси тезкор вакили

**Фаттаев Жаъфар Раҳманович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳаитмуратов Олимбек Тошпўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳайдаров Акмалжон Одилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳайдаров Ҳусан Нишонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шоодилов Фарҳод Шорустамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«ШУҲРАТ» медали билан**

**Абдуллаев Фароҳиддин Абдуваҳобович** — Қорасув шаҳар марказий поликлиникасининг умумий амалиёт шифокори

**Абдураҳмонов Шуҳратбек Кўшоқбоевич** — Пахтаобод тумани ҳокими

**Аманова Зулхумор Алижоновна** — Қорасув шаҳридаги «Пахтачи» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Бегимкулова Маҳабатхон** — Асака туманидаги «Маркаюз» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Болтабоева Илтифотхон Ибрагимовна** — Андижон шаҳридаги «Исломобод» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли

**Гафарова Кундузхон Гафаровна** — Хўжаобод туманидаги «Олтин водий» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

**Жумабаев Акмалжон Адилович** — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон вилоят бўлими кенгаши «Камалак» болалар ташкилоти раиси

**Ибрагимова Одина Йўлдошбаевна** — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Андижон вилояти бўлими бош мутахассиси

**Мадраҳимова Ёкут Холмирзаевна** — Асака шаҳридаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Мамажонов Мансурбек Аҳмедович** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон филиали тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси

**Нуритдинова Гулнора Насретдиновна** — «Андижонтелеком» акциядорлик жамиятининг Куйганёр филиали директори

**Усмонохунова Розихон Юсуповна** — Қўрғонтепа тумани халқ таълими бўлими мудири

**Ҳайдарова Шоҳидахон Ибрагимовна** — Шаҳрихон туманидаги «Қушкўноқ» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Холбоева Ҳафизахон Маҳамаджоновна** — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Пахтаобод тумани кенгаши раиси

**Йўлдошева Замира Арабовна** — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Олтинкўл тумани бўлими раиси

**Юсупов Нодирбек Комилович** — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон шаҳар кенгаши раиси

**Қодирова Нурхон Мамарайимовна** — Марҳамат туманидаги «Бўрибоши» қишлоқ врачлик пунктининг катта ҳамшираси

**Қурбонов Элмурод Рустамович** — Андижон шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 5 июль*

# Электорат манфаатини ўйлаб...

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Шунингдек, фракция йиғилишида «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қанун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси (биринчи ўқиш) ва «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.С.Азимовга, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниевга, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири С.Бекеновга 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастурининг ижро этилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг парламент сўрови тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Мажлисда барча масалалар юзасидан фракция ўз позициясини белгилаб олди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Жиддий таҳлил ва ошкоралик зарур

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида Президентимиз ислоҳотлар жараёнини янада жадаллаштириш ва чуқурлаштиришнинг навбатдаги устувор йўналишларини белгилаб берган эди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган «Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли» мавзусидаги давра суҳбати шу масалага бағишланди.



Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидан ташриф буюрган ёш журналистлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, экспертлар ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

Давра суҳбатида эътироф этилганидек, айни пайтда мамлакатимизда мингдан ортиқ оммавий ахборот воситалари мавжуд. Уларнинг аксарияти босма нашрлар, шу билан бирга, тўртта ахборот агентлиги, 59 та теле ва радиостудия ўз хабарлари, кўрсатув ва эшиттиришлари билан ахборот маконида фаолият кўрсатмоқда. Шундай экан, миллий матбуотимизнинг сифатини ва таъсирчанлигини янада ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари даражасига кўтариш учун оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш лозим.

Шунингдек, давра суҳбати иштирокчилари ОАВнинг жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнини атрофлича ёритиш, фуқаролик жамияти қуриш, босма оммавий ахборот воситалари эркинлиги ҳамда иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар ва дастурларни яратиш, ижодий ва техник ходимларни тайёрлаш, уларнинг малакаси ва ижодий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар самарадорлигига эришиш чоралари юзасидан ҳам фикр алмашди.

Сўзга чиққан депутатлар муҳокама этилаётган масалага партиявий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ёндашдилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборот бериш, шу билан бирга, жойларда ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини оширишга тўсқинлик қилаётган жиддий камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очиқ, ошкора ва профессионал журналистик маҳорат билан таҳлил этиш миллий матбуотимизнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириб, ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлашди.

Давра суҳбатида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситалари имкониятларини кенгайтириш ва эркинлигини таъминлаш, уларни бозор иқтисодиёти ҳамда демократик тамойиллар асосида ислоҳ этишни кучайтириш юзасидан мулоҳаза юритилди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ҳафиза КАРИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

**ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан**

Мустақиллик биз учун энг улуғ ва энг азиз қадрият. Миллий ўзлигимиз, орномусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи.



Зиёдилла МАНСУРОВ олган сурат.

# Эзгу мақсадларни жамлаган тимсол

*— Гербимиздаги ҳар бир рамз, ҳар бир белгида муайян маъно бор, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёвуддин Мансуров. — Яшил водий узра нур сочаётган қуёш, тоғлар оралаб оқаётган дарёлар, мовий осмондаги ярим ой ва юлдузлар — буларнинг барчаси диёримиз гўзаллиги, халқимиз озодлиги ва ҳамжиҳатлиги, миллий анъана ва қадриятларимизнинг бардавомлиги, юксак маънавиятимиз, ирода ва эътиқодимиз тимсолидир.*

Юртимиз истиқлолга эришгач, ўз давлат рамзларига эга бўлди. Уларда халқимизнинг маънавий-маданий мероси, тарихи, урф-одатлари, эзгу мақсадлари мужассам. Давлатимиз байроғи, Мадҳияси, Конституцияси каби Герби ҳам муқаддас рамздир.

ЎзХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорликда Гербимиз қабул қилинган санага бағишланган тадбир ўтказди. Унда партия фаоллари, Қонунчилик палатаси депутатлари, «Камолот» етакчилари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик туфайли эришган ютуқларимиз, давлатимиз рамзлари ва уларда акс этган миллий руҳ ўзлигимиз ҳақида фикр юритди.

— Мустақиллигимиз эълон қилинган, давлатимиз рамзлари қабул қилинган кунлар халқимиз учун энг улуғ, энг азиз кунлар ҳисобланади, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Давлатимиз рамзлари — бизнинг фахримиз, ғуруримиз. Нимага десангиз, озодлик, Ватан мустақиллиги йўлидаги курашлар тарихи, халқимизнинг эзгу орзу-интилишлари уларда ўз ифодасини топган.

— Давлатнинг давлат сифатида шаклланишида, тан олиниши ва танилишида рамзлар алоҳида ўрин тутади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Турсунбоев. — Герб азалдан муайян мамлакатда истиқомат қиладиган халқнинг тарихи, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда амал қилиб яшайдиган ғояларини ифода этиб келган.

Давлат ишларини юритиш ҳамда халқаро муносабатларни амалга оширишда қўлланиладиган муҳрларга, миллий валютага Герб тасвири туширилган. Қолаверса, Гербимиз давлат идораларининг муҳр ва бланкаларида, расмий нашрларда, қимматли қоғозлар ва облигацияларда, фуқаролик паспортида акс эттирилади. Мамлакатимиз давлат чегараларида барпо этилган салобатли дарвозалардаги Давлат герби барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди. Ватан остонасидаги юрт тамғасини кўриб, қалбимиз беихтиёр энтикади.

— Гербимиздаги барча рамз ва тимсоллар халқимизнинг шаъну шавкати, ғурури, ор-номуси, тарихий хотирасини ўзида мужассам этган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комила Каромова. — У тинчлик, эзгулик, бахт-саодат, тўкинлик, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларни ифода қилади. Гербимиз ҳар бир юртдошимиз учун фахру ифтихор манбаи, ёшларимизни аждодларимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялаш йўлидаги муҳим восита ҳамдир.

Мамлакатамиз давлат рамзлари, шу жумладан, гербимиз қонун билан муҳофаза қилинади. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари тўғрисида»ги Қонунда белгиланганидек, Давлат рамзларини эъзозлаш ҳар бир ватандошимизнинг муқаддас бурчидир.

Буғдой бошоқлари-ю, пахта чаноқлари юртимизда фаровонлик, тўкинлик, мўл-кўлчилик манбаи ифодасидир. Қолаверса, ризқ-рўзимиз бутунлиги ҳамда мамлакатимизнинг бугунги салоҳияти белгиси ҳисобланади.

— Халқаро мусобақалар, олимпиадаларда муваффақият қозониб, қўлларида давлатимиз рамзларини баланд тутиб турган ака-опаларимизни кўрганимда қувониб кетаман, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши қошидаги «Сардорлар мактаби» тингловчиси Муҳсина Баратова. — Ватанимни, юртимни қанчалик севишимни ҳис қиламан. Давлат рамзлари, ўйлайманки, ҳар бир юртдошимиз қалбида ана шундай фахр ва ғурур туйғусини уйғотади. Чунки улар муқаддас заминимиз, она Ватанимиз тимсоли. Келажакда мен ҳам ўз ютуқларим билан юртим шон-шуҳратини жаҳонга танитишга ҳисса қўшмоқчиман.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Тарғибот-ташвиқот ишлари

## сиёсий партиянинг қиёфасини белгилайди

Мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларда, партиялараро баҳс ва рақобатда ҳар бир партиянинг ўз электорати манфаатларини ифода этувчи ғоялари ҳамда унинг тарғиботи муҳим аҳамиятга эга. Партия ўз ғояларини тарғиб қилмасдан сиёсий майдонда ўз ўрнига, қиёфасига эга бўла олмаслиги оддий ҳақиқатдир. Ҳозир сиёсий рақобат муҳити ҳар бир сиёсий партиядан электорат билан иш олиб боришда замонавий усуллардан самарали фойдаланишни талаб этмоқда.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ўрнига эга етакчи сиёсий партиялардан бири — Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятида ҳам тарғибот-ташвиқот ишларининг алоҳида ўрни бор. Ғоявий таҳдид ва ахборот хуружи кучайиб, одамлар онги ва қалбини эгаллаш борасидаги кураш жараёни тобора мураккаблашиб бораётган бугунги кунда маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларини электорат орасида самарали олиб бориш, унинг таъсирчанлигини оширишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан партия ташкилотларининг тарғибот-ташвиқот ишларини кенгайтириш, электорат билан ишлашда ҳозирги замон услублари, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан фойдаланиш масалалари бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Унинг таркибига партия Марказий Кенгаши аъзолари, экспертлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлари, минтақавий партия ташкилотлари фаоллари, олимлар ва мутахассислар киритилган.

Ишчи гуруҳи йиғилишида партия тарғибот-ташвиқот жараёнида қандай самарали усуллар ва сиёсий технологиялардан фойдаланиш, бу йўналишда олиб бориладиган ишлар муҳокама этилди. Тегишли хулосалар асосида партия тарғибот-ташвиқот ишлари тартибига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Хусусан, тарғибот ва электорат билан ишлаш жараёнида нутқ ҳамда маърузаларда таҳлилларга асосланилиши, электорат манфаатлари билан боғлиқ маълумотларни тегишли ташкилотлардан олишдаги қийинчиликларнинг бартараф этилиши муҳимлигига эътибор қаратилди. Шунингдек, тарғибот жараёнида ўтказиладиган тадбирларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларга кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ экани кўрсатиб ўтилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтказиладиган ҳар бир тадбирни аниқ мақсад асосида, замонавий усул-услубларни қўллаган ҳолда мамлакатимиз олдидаги устувор вазифалардан ва партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб ташкил қилиш, партия пленумларида белгиланган кўрсатмаларга амал қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Тарғибот ишларининг таъсирчанлиги, электорат сиёсий фаоллигини оширади, партиямиз тарафдорларини кўпайтиради.

**Шавкат УСМОНОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши катта референти.**

# МЕН ПЕДАГОГ БЎЛМОҚЧИМАН!




**Абитуриент — 2010** ■ Мамлакатимиз олий ўқув юртларида янги ўқув йили учун абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш давом этмоқда. Бундай вақтларда ҳар бир таълим муассасаси абитуриентлар учун зарур шарт-шароитларни яратишга катта эътибор қаратади. Ангрен шаҳридаги Тошкент вилоят Давлат педагогика институтида ҳам шундай қизғин иш жараёнини кўрдик.

Бугунги кунда мазкур таълим даргоҳидаги педагогика, тарих, филология, хорижий тиллар, математика, физика, табиатшунослик ва жисмоний тарбия факультетларида жами 6706 нафар талаба таҳсил олаяпти. Уларга 387 нафар профессор-ўқитувчи таълим-тарбия бераяпти. Интернет тизимига уланган замонавий компьютер хонаси, 533340 нусха китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази талабалар пухта билим олишларига хизмат қилмоқда. Замонавий спорт заллари, ошхоналар, талабалар турар-жойлари фаолият кўрсатмоқда.

— Ҳужжатларимни миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишига топширдим, — дейди абитуриент Фурқат Миркаримов. — Чунки болалигимдан шарафли касб — педагог бўлишни орзу қиламан. Институтда яратилган шарт-шароитларни кўриб, билим олишга иштиёқим янада ортди. Энди шу институт талабаси бўлишим учун тест синовларига жиддий тайёргарлик кўришим керак.

— Бу йилги қабул режага биноан 22 та таълим йўналиши бўйича жами 1360 ўрин ажратилган, — дейди институт ректори, тарих фанлари доктори, профессор Аброр Ҳазратқулов. — Қабул жараёнларини юқори даражада ташкил этиш мақсадида абитуриентлар учун қатор шарт-шароитларни яратдик. Ҳужжатларни компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда қисқа вақт ичида қабул қилиб оляпмиз. Белгиланган вақтларда тегишли фанлардан консультациялар ташкил этилган. Бундан ташқари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари учун зарур шарт-шароитлар ҳозирлаб қўйганмиз. Агар давлат имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб талабаликка қабул қилинса, ўтган ўқув йилидаги тажрибамизга таянган ҳолда имтиёзли шарт-шароитларни уларга яратиб берамиз.

**Абдусалим МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



Зиёдулла НОРМУРОДОВ олган суратлар.



## ...Даъвогарлар тўртта қолди

**Спорт** ■ Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида давом этаётган XIX жаҳон чемпионати плей-офф босқичининг ҳар бир учрашуви ниҳоятда муросасиз ва шиддатли кечмоқда. Чорак финалдан жой олган ҳар бир ўйин мутахассислар томонидан финалдан олдинги финал деб эътироф этилгани ҳам бежиз эмас.

Голландия — Бразилия терма жамоалари учрашуви олдидан аксарият ишқибозлар Жанубий Америка вакиллари имкониятини юқори баҳолашаётганди. Ҳатто мазкур ўйиннинг бошидан тўлиқ ташаббусни ўз қўлига олган бразилияликлар биринчи бўлиб ҳисобни очишганди. Аммо танаффусдан сўнг, голландлар ҳисобни тенглаштирибгина қолмасдан ўзлари учун керакли натижани қайд этишди — 2:1. Натижада Бразилия терма жамоаси жаҳон чемпионати билан чорак финал босқичидаёқ хайрлашишга мажбур бўлди.

Футбол тарихида илк маротаба чорак финалга йўлланма олган Гана футболчилари кейинги босқичга чиқиш учун Уругвай терма жамоасига қарши майдонга тушди. Гарчи, бу баҳснинг асосий вақтида (1:1) дуранг қайд этилган бўлса-да, қўшимча вақтда «қора қитъа» вакиллари ғалабани нақд қилишга яқин туришганди. Аммо жамоа етакчиси Асамоа Гьян охирги дақиқада пенальтини аниқ амалга ошира олмади. Оқибатда пенальтилар сериясида уругвайликлар зафар қучишди — 4:2.

Чемпионатнинг яна бир шов-шувли натижаси Германия — Аргентина терма жамоалари ўйинида кузатилди. Ҳамюртимиз Равшан Ирматов бош ҳакамлик қилган ушбу учрашувда немислар рақиблари дарвозасига жавобсиз тўртта тўп йўллаб, Диего Марадона шогирдларини карахт аҳволга солиб қўйди — 4:0.

Чорак финалнинг охирги баҳсида Европанинг амалдаги чемпиони — Испания футболчилари парагвайликларни катта қийинчилик билан доғда қолдирди. Унда ҳозирча чемпионатда бешта тўп билан тўпурарлар рўйхатини бошқариб бораётган Давид Вилья киритган ягона гол испанияликларга кейинги босқич эшикларини очди — 1:0.

Бугун ўтказиладиган ярим финалнинг дастлабки учрашувида Голландия — Уругвай ўзаро куч синашса, эртага Германия — Испания терма жамоалари иккинчи финалчи номини аниқлаб беришади.

**Эркин ХОЛБОБО**

## «Ўқишга киритаман!..»

### деб фуқароларни чув туширган фирибгар хусусида

**Жиноят ва жазо** ■ Ёз келиши билан ёшлар ҳаётида ҳаяжонли дамлар бошланади. Битирувчилар илм чўққиларини забт этиш, бирон-бир касб эгаси бўлиш учун олий ўқув юртларига ҳужжат топширишади. Ана шундай кезларда «мавсум»дан «унумли» фойдаланиб қолувчи «учар»лар ҳам жонланиб қолади.

Термизлик Юлдош Тошматов ана шундай фирибгаралардан экан. Ҳеч қаерда ишламайдиган Юлдошбой текин даромад орттириш пайида бўлди. Бу кимсанинг Термиз давлат университетига ҳеч қандай алоқаси бўлмаса-да, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини алдаш билан шуғулланди.

2009 йилнинг 25 июлида Ойбек Рўзиев ўқишни давом эттириш мақсадида Термиз давлат университетига ҳужжат топширди. Ойбекнинг тест синовларидан муваффақиятли ўтишига эса Юлдош Тошматов юз фоиз «гарантия» берди. Бунинг учун эса 2 миллион 500 минг сўм сўради. Дастлабки харажатлар учун Юлдош Тошматов ундан 100 минг сўм олди. Фирибгарлик билан қўлга киритилган маблағни ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ишлатди...

Ҳар куни юз минг сўм пул тушиб турса ёмонми? 2009 йилнинг 29 июлида у Маҳбуба Мардаевани «тузоғи»га туширди. Унга ҳам «Албатта талаба бўласиз», деб кафолат берилди. Аввалгидек 2 миллион 500 минг сўмлик нарх «бичилди». «Тажриба»си ошиб бораётган фирибгар илк ҳужжат ишлари учун хамир «учидан» 500 минг сўм пул олди.

Талаба бўлишни истаган Ёдгор Абдурасулов ҳам Юлдош Тошматовни илгари танимаган-билмаган. Ундан «Университетга киритиб қўяман», деб 200 доллар олди. Бу, албатта, «майда-чуйда» харажатлар учун эди. Талаба бўлиш учун мижозга 2 миллион 500 минг сўм беришини таъкидлади...

Юлдош Тошматов абитуриент Суҳроб Каримовнинг ишончига кириб, арзимас ишлар учун «атиги» 500 АҚШ доллар олди...

«Танка»сига ишонган ота-оналар, «тоғаси»ни кўкларга кўтариб мақтаган йигит-қизлар тест жавобларини кўрганда кеч бўлганди...

Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди унинг фаолиятига қонуний баҳо берди.

Маълумки, ҳар йили мамлакатимизда минглаб ёшлар мустақил ҳаётга қадам қўяди. Уларнинг билим олиши, етук инсон бўлиб вояга етиши учун барча шароит муҳайё. Шундай экан, фирибгарларга асло ишонманг! Таълим муассасалари атрофида ўралашиб юрувчилар «тузоғи»га илинманг. Бундай товламачилар сизни доғда қолдиради, холос. Ўз кучига ишонган одам эса ўзига йўл очади...

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## «Бунёдкор» — финалда

***Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги баҳсларининг дастлабки финалчиси номи маълум бўлди. Бу йўлланмани «Бунёдкор» жамоаси ярим финалда «Нефтчи» футболчиларига қарши баҳсда қўлга киритди. Фарғонада кечган биринчи ўйинда мезбонлар 2:3 ҳисобида имкониятни бой беришганди. Тошкентда ўтган жавоб ўйинида бунёдкорчилар рақибларини йирик ҳисобда енгди — 4:1.***

*Ярим финалнинг иккинчи учрашувида «Локомотив» — «Шўртан» жамоалари ўзаро рўбарў келишди. Ўтган босқичда икки ўйин натижасига кўра, «Пахтакор» жамоасидан устун келган ғузорликларга бу гал ҳам осон бўлмайдиган кўринади. Пойтахт темирйўлчилари билан ўтган илк ўйинда «Шўртан» жамоаси ўз дарвозасидан иккита тўп олиб чиқишга мажбур бўлди — 2:0.*

*Бу жамоаларнинг жавоб ўйини 27 июль куни Ғузорда ўтказилади.*

**Нодирбек ШОМУРОДОВ**

## Баркамол авлод орзуси

■ Пойтахтимизда 118 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Уларда 145961 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётир. Яқинда ана шу таълим муассасаларини 48868 нафар йигит-қиз битириб чиқди.

Куни кеча барча ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида битирувчиларга тантанали диплом топшириш маросимлари бўлиб ўтди.

— Коллежимизда 1926 нафар ўқувчи ҳуқуқ ва ижтимоий муҳофаза, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти, маъмурий ҳуқуқий фаолият сингари учта таълим йўналиши бўйича таҳсил олишади, — дейди 2-Тошкент юридик коллежи директори, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Абдумухтор Ҳасанов. — Жорий йилда билим масканимизни 556 нафар ёш тамомлади. Улардан олтмиш нафари ўқишни фақат аъло баҳоларга битириб, имтиёзли диплом соҳиби бўлганликлари, айниқса, қувонарлидир.

— Орзуим келгусида етук ҳуқуқшунос бўлиш, — дейди коллеж битирувчиси, имтиёзли диплом соҳибаси Маликабону Абдуллаева. — Ишонаманки, коллежда ўрганганларим келажакда Тошкент давлат юридик институтига ўқишга киришимда ҳам жуда қўл келади.




Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

## *Дунёнинг ҳисоб-китоби бор*

**Биласизми?** ■ Бугунги кунда юртимизда 500 мингдан кўпроқ киши ўлчаш ва метрологик фаолият билан шуғулланади. Яқинда «Ўзстандарт» агентлигида ана шу соҳа ходимларининг анъанавий конференцияси бўлиб ўтди.

1993 йилда «Метрология тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши мамлакатимизда метрологик хизмат турларининг ривожланишига туртки берди. Ҳозир «Ўзстандарт» агентлиги тизимида Метрология хизматлари кўрсатиш маркази давлат корхонаси ва Миллий эталонлар маркази (МЭМ) давлат муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Инсониятнинг онгли мавжудот сифатида шаклланиши ўлчовлар, яъни, билан, иш қуроллари ва кундалик ҳаётда зарур бўладиган бошқа ашёларни ўлчаш, таққослаш ва баҳолаш билан бевосита боғлиқдир.

Ҳар бир халқ ўз тарихида ўзи яшайдиган ташқи муҳит билан боғлиқ ўлчов воситалари ва усулларини белгилаб, улардан фойдаланган. Бунда узунлик ўлчовини белгилашда инсон танаси (қарич, қулоч, тирсак, энлик), атроф-муҳитда кўплаб учрайдиган ўсимлик ва ҳайвонлар (бамбук, дон ва б.) қисмларидан фойдаланилган. Оғирлик ўлчовини белгилашда ҳам худди шундай (фунт, пуд, унция, ҳовуч, ботмон, дахсар ва б.) каби бирликлар юзага келган.

Ҳар бир халқнинг ўз ўлчов воситалари бўлиши албатта яхши, бироқ кун сайин ривожланиб бораётган фан, техника ва савдо-сотиқ ишлари ер юзидаги мамлакатлар ўртасида тобора шаклланиб бораётган меҳнат тақсимоти ўлчовларнинг универсал ва аниқ бўлишини талаб қилади. Шу аснода ҳозир дунёнинг аксарият мамлакатларида амалда бўлган метрик тизим ишлаб чиқилди ва 1875 йил 20 майда дунёнинг 17 мамлакати вакиллари томонидан Халқаро метрик конвенция имзоланди. Метрик тизимнинг қабул қилиниши жаҳон фани, иқтисодиёти ва савдоси тараққиётида кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Бугунги кунда метрик тизим инсоният ҳаётининг ҳар бир қиррасига, ҳар бир жабҳасига чуқур кириб борган. Ҳозир жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатларида метрик тизим қабул қилинган. ЮНЕСКОнинг қарори билан Халқаро метрик конвенция имзоланган кун — 20 май — Халқаро метрология куни деб эълон қилинган.

**Метрология —** бу ўлчашлар, уларнинг ягоналигини таъминлаш усуллари ва воситалари ҳамда талаб қилинадиган аниқликка эришиш йўллари ҳақидаги фан.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

манфаатли **«ОМАД ҚУВОНЧИ»** ютуқли омонатини таклиф этади.

*Омонатга маблағлар 3 ой муддатга 14 фоиз даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонат бўйича фоиз даромади билан бирга, ўтказиладиган ютуқлар тиражи натижасига кўра 50 дан ортиқ буюм ютуқлари соҳиби бўлишингиз мумкин.*

**БОШ СОВРИН — «НЕКСИЯ» АВТОМОБИЛИ!**

*Ютуқлар тиражи жорий йил август ойи 2-декадасида ўтказилади.*

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

*Хизматлар лицензияланган*

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA (Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8241 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 22.20
1 3 4 5
Sotuvda erkin narxda